

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Азаматова Гулмира Байирбековна,
Ўзбекистон Миллий Университети
мустақил изланувчиси
g.azamatova1987@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ

For citation: Azamatova Gulmira Bayirbekovna. COOPERATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH THE RUSSIAN FEDERATION IN THE FIELD OF MIGRATION. Look to the past. 2020, SI, pp. 85-90

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-11>

АННОТАЦИЯ

Мустақиликка эришганидан сўнг Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлатлари билан миграция соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқаларини фаол олиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро дипломатик муносабатлар алоҳида ўрин тутди. Мақолада, миграция соҳасидаги муносабатларни қонуний асосда йўлга қўйиш икки давлат ўртасида имзоланган расмий ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топганлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: миграция, мигрантлар, иммиграция, эмиграция, икки томонлама шартнома, битимлар, декларация.

Азаматова Гулмира Байирбековна,
Самостоятельный соискатель
Национальный
Университет Узбекистана
g.azamatova1987@bk.ru

СОТРУДНИЧЕСТВО В СФЕРЕ МИГРАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИЕЙ

АННОТАЦИЯ

После провозглашения независимости Узбекистан проводит активное содействие в сфере миграции со странами СНГ. Значимое место в этой области играет дипломатические отношения между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией. В статье раскрываются отношения между двух стран которые подписаны на основе закона и отражены официально на правовых документах.

Ключевые слова: миграция, мигранты, иммиграция, эмиграция, двухсторонний договор, декларация, соглашения.

Azamatova Gulmira Bayirbekovna,
Independent researcher
National University
of Uzbekistan
g.azamatova1987@bk.ru

**COOPERATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH
THE RUSSIAN FEDERATION IN THE FIELD OF MIGRATION****ANNATATION**

Since independence, Uzbekistan has been actively cooperating with the Commonwealth of Independent States in the field of migration. The diplomatic relations between the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation play a special role in this. The article explains that the legal framework for migration relation is reflected in the official legal documents signed between the two countries.

Key words: migration, migrants, immigration, emigration, bilateral agreement, agreement, declaration.

Долзарблиги. Ҳозирги кунда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг тезлашишида миграция жараёнларининг кучайиши давлатлараро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда, аҳолининг эркин ҳаракатланиши ва яшаш учун турар жой танлашига доир ҳуқуқларини самарали кафолатлаш механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. XXI асрга келиб миграция ҳодисаси дунё аҳолисининг демографик манзараси ўзгариб кетишига сабаб бўлаётган энг йирик глобал муаммолар қаторидан жой олди. Глобаллашув таҳдидларининг таъсири туфайли миграция жараёнлари моҳиятан мураккаблашиб тобора зиддиятли тус олмоқда. Сўнгги йилларда ривожланган давлатларда бу муаммони ҳал қилиш учун иқтисодий -ижтимоий ва сиёсий чора- тадбирлар кўриляётгани бундан далолат беради [1].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, 1990 йилда халқаро мигрантлар сони 153 млн нафарни, 2000 йилга келиб эса 173 млнга етган [2]. 2019 йилда ушбу кўрсаткич 272 млн нафарни ташкил этган. Сўнгги йилларда миллионлаб ватандошларимиз хорижий давлатларда яшаб меҳнат қилишмоқда. Аммо жуда кўпчилик Ўзбекистондан хорижга чиқиб кетганини ҳис қилсақда, Ўзбекистон мигрантлар сони - эмиграция бўйича ҳам, иммиграция борасида ҳам кучли ўнликка кирмайди. Ўзбекистонлик мигрантлар, хусусан меҳнат мигрантлари асосан 5 йўналиш - Россия, Қозоғистон, Туркия, Жанубий Корея ва АҚШ га йўл олади. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган мигрантларнинг асосий қисми МДҲ

худудларига тўғри келадиб, унинг энг катта оқими эса Россия Федерациясига йуналган. Чунки Ўзбекистон Республикасининг миграция бўйича асосий ҳамкор шериги Россия Федерацияси ҳисобланади. Сабаби Россияда ишчи кучига бўлган талабнинг юқори даражада эканлиги, аҳолимизнинг рус тилини билиши, мигрантларни ишга жойлашиш ҳаражатларининг озлиги сабабли қулай бўлган давлатдир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихий методлар - тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда мустақиллик йиллари Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан миграция соҳасидаги ҳамкорлиги кўрсатилган. Россияда аҳоли миграцияси масаласи бўйича сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишни таъминлашда Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 14 июндаги 626-сонли Фармони билан махсус ташкил этилган Федерал миграция хизмати муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хизмат: федерал ва минтақаларо миграциявий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Россия фуқароларининг ташқи меҳнат миграцияси соҳасида чорағтадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Россия Федерацияси худудида чет элликларнинг меҳнатини жалб этиш ва улардан фойдаланиш бўйича чора - тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаб бериш, миграция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш, мамлакатда миграциявий жараёнлар ва миграция ҳолати юзасидан назоратни ташкил этиш, Россия худудига кириб келган ёки келмоқчи бўлган шахслар ҳуқуқий мақомини қонунчиликка мувофиқ тан олиш, миграция муаммоларини ҳал этиш учун федерал бюджетдан ажратилаётган маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш устидан назорат олиб бориш, миграция масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ўрнатилган тартибда ҳамкорлик олиб бориш каби масалалар билан шуғулланади. Бугунги кунда бу хизмат Россия Ички ишлар вазирлиги таркибига алоҳида хизмат сифатида киритилган [3]. Ўзбекистон Республикасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрьдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида" ги 505-рақамли қарори билан меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юклатилди. Россия-бизнинг ишончли, вақт ва ҳаёт синовидан ўтган узоқ муддатли стратегик шеригимиз ва иттифоқчимиз [4].

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикасининг Россия билан ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари 2000 йилларнинг бошларига келиб ривожланди. Сабаби Россия Федерациясида сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви, МДҲ мамлакатларидан Россияга келувчи мигрантлар сонининг камайиши, мўмай даромад топиш мақсадида Россия Федерацияси томон йўл олиши Ўзбекистон Республикасида миграцион жараёнларнинг тезлашишига сабаб бўлди. Ўзбекистонлик фуқаролар учун кириш визаларининг талаб қилинмаслиги ҳам Россияга борувчи юртдошларимиз сонининг кўпайишига сабаб бўлди. Россия Федерациясига Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг энг кўп ташриф буюрган вақти 2007 йилга тўғри келади, бу йилда мигрантлар сони 660 минг кишига етди. 2011

йилда 399 минг киши расмий равишда ишлаш учун, 478 минг киши хусусий корхоналарда ишлаш учун патент олган, бу даврда жами 877 минг киши расмий равишда Ўзбекистонлик фуқаролар Россияда меҳнат фаолиятини олиб борган[5].

Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бу - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқаларимизни мустақкамлашдан иборат. Биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан Стратегик шериклик, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа муҳим келишувлар асосида дўстона алоқаларни изчил ривожлантириш ва кучайтириш икки мамлакат манфаатларига жавоб беради ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустақкамлашга хизмат қилади[6].

Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, шунингдек миграция борасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари икки томонлама имзоланган ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1992 йил 30 майда имзоланган Шартнома[7], Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида 1994 йил 15 апрелда имзоланган Меҳнаткаш-мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим[8], Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2004 йил 16 июнда имзоланган Битим[9], 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома[10], Ўзбекистон ва Россия ўртасида миграция борасидаги ҳамкорликни тартибга солиш мақсадида 2007 йилнинг 4 июлида "Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги меҳнаткаш-мигрант фуқароларининг ва Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнаткаш-мигрант фуқароларининг меҳнат фаолиятлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" келишув [11], 2012 йил 4 июнда имзоланган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисида Декларация[12]лар асосида ҳамкорликнинг ҳуқуқий муносабатлари ўрнатилган.

Россия Федерацияси Бош вазири ўринбосари Сергей Приходько маълумотига кўра, Ўзбекистондан Россияга ҳар йили 2,5 миллион мигрантлар келади. Мазкур мигрантлар 2017 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон ва Россия ўртасида имзоланган Ўзбекистон фуқароларини Россияда ташкиллаштирилган тартибда ишга қабул қилиш ҳақидаги шартнома[13] асосида қонуний асосда меҳнат фаолиятини олиб боради. Ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари 2017 йил Россиядан ўз ватанларига пул жўнатиш бўйича биринчи ўринни эгаллади ва Ўзбекистонга 3,9 млрд АҚШ доллари юборишди. Бу 2016 йилги ўтказмалар даражасидан 42 фоизга кўп ва 2013 йилга нисбатан эса 42 фоизга кам.

2017 йил 21 декабрда "Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида" ги ҳуқуматлараро Битим ишчи кучининг ҳаракатланиши жараёнини тартибга солиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан янада токомиллаштириш ҳамда Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Мазкур Битимнинг қабул қилиниши мигрантлар сони, мутахассислиги ва уларни қабул қилувчи минтақани реал эҳтиёжга мос ҳолда аниқлаш ҳамда Россиянинг ваколатли органлари томонидан меҳнат мигрантларига

энг кам иш ҳақи талабларига риоя этиш, муносиб турмуш шароитларини яратиш, тиббий ва ижтимоий суғурта, хусусан пенсия билан таъминлаш бўйича ҳуқуқий кафолатланган тартибни жорий қилиш бўйича икки томонлама ҳамкорлик қилиш имкониятини яратди. Халқаро Миграция Ташкилоти маълумотларига кўра, Россия 2019 йилда 11,6 миллион мигрантларни қабул қилган. Уларнинг катта қисми Украинадан (3 миллиондан ортиқ), Қозоғистондан (қарийиб 2,5 миллион) ва Ўзбекистондан (1,1 миллион) келган мигрантлардир. Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академиясининг 2019 йил июнь ойи учун "Россия Федерациясидаги иқтисодий вазият мониторинги" ҳисоботида кўра, Ўзбекистондан Россияга вақтинчалик миграция ҳажми ўсиўда давом этмоқда. 2019 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 2,1 миллион Ўзбекистон фуқароси Россияда бўлган. Таққослаш учун, 2018 йил 1 декабрь ҳолатида 1,8 миллион киши, 2017 йил эса -1,7 миллион киши эди [14].

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонлик мигрантларнинг Россия Федерациясида фаол ҳаракатлари, миграцион оқими тўғрисида таққослама маълумотларни олиш Ўзбекистонлик мигрантларнинг тартибли тарзда баҳолаш имкониятини беради. Бу ҳозирги кунда икки давлат-Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси учун ўзининг узоқ ва давомли стратегик манфаатларини чуқур англаб, таҳлил қилиб, тенг ҳуқуқли дипломатик алоқаларнинг ривожланиши учун замин туғдиради. Бунинг асоси сифатида 2018 йил 18-19 октябрь кунлари икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисидаги Битим [15] ни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишларни фаоллаштиришга, миграция соҳасида ҳамкорликни халқаро тан олинган шакллари янада ривожлантиришга кўмаклашишга келишиб олганлиги миграция соҳасида икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Азаматова Г.Б. Аҳоли миграциясида хотин-қизлар ҳаракати: муаммо ва ечимлар. Тошкент: "Ўтмишга назар" журнали. 2019 йил. №23, 15-бет. (Azamatova G.B. Women's movement in population migration: problems and solutions. Tashkent: journal of Look to the Past. 2019y. №23, P-15).

[2] <http://www.demoscope.ru/weekly/2017/0753/barometer753.pdf>.

[3] Зинченко Н.Н. Миграция населения: теория и практика международно-правового регулирования. - М.: Внешторгиздат, 2003. - С. 140-141. (Zinchenko N.N. Population migration: theory and Practice of International Legal Regulation. - M.: Vneshtorgizdat, 2003. - P. 140-141).

[4] Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. Тошкент.: "Ўзбекистон". 2019 йил. 265-бет. (Mirziyoyev Sh.M. The work of the great nation of people is great, the life is bright and the future is prosperous. Volume-3. Tashkent.: "Uzbekistan". 2019y. P-265).

[5] Labor and employment in Russia. M. 2011. C. 302.

[6] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент: "Ўзбекистон", НМИУ. 2017 йил. 17-

бет.(Mirziyoyev Sh.M.We will continue our path of national development to a new level.Volume-1. Tashkent: "Uzbekistan", NMIU.2017y.P-17).

[7] Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1992 йил 30 майда имзоланган Шартнома.(Treaty of friendship and cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation signed on 30 May 1992).

[8] Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида 1994 йил 15 апрелда имзоланган Меҳнаткаш-мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим.(Agreement on cooperation in the field of labour migration and social protection of migrant workers signed on April 15,1994 within the Commonwealth of Independent States).

[9] Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2004 йил 16 июнда имзоланган Битим.(Agreement on strategic partnership between the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation, signed on June 16, 2004).

[10] 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома.(Treaty on allied relations between the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation, signed on November 14, 2005).

[11] Ўзбекистон ва Россия ўртасида миграция борасидаги ҳамкорликни тартибга солиш мақсадида 2007 йилнинг 4 июлида "Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги меҳнаткаш-мигрант фуқароларининг ва Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнаткаш-мигрант фуқароларининг меҳнат фаолиятлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" Келишув.(In order to regulate cooperation between Uzbekistan and Russia on migration, on July 4, 2007 "On protection of labour activities and rights of migrant workers of the Republic of Uzbekistan in the Russian Federation and migrant workers of the Russian Federation in the Republic of Uzbekistan" Agreement).

[12] Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси 2012 йил 4 июнда имзоланган Стратегик шерикчиликни чуқурлаштириш тўғрисида Декларация.(Declaration on Enhancement of Strategic Partnership between the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation dated June 4, 2012).

[13] 2017 йил 21 декабрда "Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида" ги ҳукуматлараро Битим.(December 21, 2017 Intergovernmental Agreement "On Organizational Reception and Involvement of Citizens of the Republic of Uzbekistan for temporary Labour in the Russian Federation").

[14] <https://kun.uz.24.07.2019>.Россиядаги ўзбекистонлик мигрантлар сони рекорд даражага яқинлашди.(<https://kun.uz.24.07.2019>.The number of Uzbek migrants in Russia has reached a record high).

[15] 2018 йил 18-19 октябрь кунлари икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисидаги Битим.(Agreement between the Government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the Russian Federation on Organizational Recruitment and Involvement of Citizens of the Republic of Uzbekistan for Temporary Labour Activity in the Russian Federation October 18-19, 2018).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000